Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • 2013-yil 18-aprel, payshanba № 49 (3242)

Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани беқиёс аҳамиятга эгадир.

Ислом КАРИМОВ

МАМЛАКАТИМИЗ БУЮК КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ – ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, АСЕАН, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотлар, молия институтлари ҳамда бошқа тузилмалар вакилларини, уй-жой қурилиши соҳасидаги йирик компаниялар раҳбарлари ва етакчи мутахассисларни — бугунги конференциянинг барча қатнашчиларини қутлаш, ушбу форумда иштирок этаётганингиз учун ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни изҳор этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Уй-жой қурилиши соҳаси ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун улкан аҳамиятга эга экани, қурилиш билан боғлиқ кўплаб тармоқлар ва бутун мамлакат иқтисодиётининг мутаносиб ривожланиши ҳамда барқарор ўсиш суръатларини таъминлайдиган энг муҳим омил эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги конференция учун танланган қишлоқда уй-жой қурилишининг роли ҳақидаги мавзунинг долзарблиги тўғрисида гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Эксперт марказларининг маълумотларига кўра, иқтисодий ривожланган давлатларда инвестициялар таркибида умумий сармоялар ҳажмининг 20 фоизидан 40 фоизигача бўлган улуши айнан уй-жой қурилиши соҳасига тўғри келаётгани албатта бежиз эмас.

Бугунги кунда уй-жой қурилиши ва иқтисодиётнинг мазкур соҳа билан боғлиқ тармоқларини ривожлантириш молия тизимини шакллантириш ва барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим бўғинларидан бири ҳамда банклар активлари ва ишончли ресурс базасининг мустаҳкам манбаи бўлиб қолмоқда.

Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳамон давом этаётган ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Кредит маблағлари билан етарлича таъминланаётганига қарамасдан, бу маблағлар якуний истеъмолчи, яъни иқтисодиётнинг реал секторига етиб бормаётгани глобал молиявий-иқтисодий инқирозан чиқишда жиддий тўсиқлардан бири экани сир эмас. Ҳолбуки, асосий захира валюталарини чиқарадиган эмитент мамлакатларда фоиз ставкалари даражаси ниҳоятда паст. Айрим ҳолларда бу ставкалар нол қийматигача тушиб кетаётганига эса ишониш қийин.

Мухтасар айтганда, кредит ресурслари ҳажмининг етарлилиги кўплаб ҳолатлар, биринчи навбатда, 2008 йилда глобал молиявий-иқтисодий инқирозни юзага келтирган жиддий сабабларнинг бартараф этилмагани туфайли, афсуски, иқтисодиётни жонлантирадиган туртки ва омилга айлана олмаяпти.

Бундай шароитда уй-жой қурилиши ва у билан биргаликда ривожланадиган инфратузилма — коммунал ва ижтимоий сектор, транспорт ва коммуникация тармоқлари, замонавий қурилиш материаллари ҳамда конструкцияларини ишлаб чиқариш капитал ва инвестицияларни жалб этиш, шунингдек, энг мураккаб ва жиддий ижтимоий масалалардан бири — аҳоли бандлиги муаммосини ҳал этишнинг ғоят мақбул ва **самарали соҳаси сифатида хизмат қила оладиган ҳамда хизмат қилиши лозим бўлган** йўналишга айланмоқда.

Аксарият давлатларнинг тарихий тажрибаси шундан далолат берадики, уй-жой қурилиши ва инфратузилма соҳасини тараққиётнинг устувор йўналиши сифатида белгилаш миллий иқтисодиётни қайта тиклашнинг ҳал қилувчи воситаси бўлиб хизмат қилади. Масалан, Буюк депрессия деб аталган 1930-йиллардаги инқироз даврида АҚШда Президент Рузвельт якка тартибдаги уй-жой қурилишини кредит билан таъминлаш тизимини жорий қилди ва бу ислоҳот иқтисодий ўсишни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Ўз вақтида Германия, Буюк Британия, Скандинавия давлатлари ва бошқа мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ана шундай дастурлар қабул қилинган.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модел — қишлоқда уй-жой қуришни комплекс амалга ошириш дастурининг мазмун-моҳиятини баён этишдан олдин мамлакатимизни иқтисодий, ижтимоий ривожлантириш ва модернизация қилишнинг ана шу энг муҳим соҳасида яқин-яқингача қандай муаммолар тўпланиб қолгани, ҳақиқий аҳвол қандай бўлгани ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу соҳанинг бош хусусияти шунда эдики, у деярли бошқарилмас, бошқача айтганда, ўзбошимчалик авж олган эди.

Бу аслида нимани англатар эди?

Қишлоқда уй-жойлар аҳоли пунктларини барпо этишда қўлланиши зарур бўлган бош режаларсиз қурилар, ҳудудларнинг ўзига хос табиий ва иқлим хусусиятлари, ўзбек оиласининг миллий анъаналарини ҳисобга олиб, пухта ишлаб чиқилган намунавий уй-жой лойиҳалари йўқ эди.

Ўзи ҳам буюртмачи, ҳам қурувчи бўлган қишлоқ аҳолисининг имкониятлари чеклангани, шунингдек, қурилиш материалларининг доимий танқислиги ҳамда қишлоқда ривожланган қурилиш саноати бўлмагани учун бу борадаги ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бошқача айтганда, уй-жойлар қўлбола қурилиш материаллари — хом ғиштдан қурилар, хоналарига ёғочдан пол қилинмас, том ёпиш материали сифатида асосан асбест шиферлардан фойдаланилар эди.

Бош режасиз қурилган уй-жойларни коммунал қулайликлар билан таъминлаш, ичимлик суви тармоғига, электр энергияси ва газ тармоғига улаш борасида жиддий муаммолар пайдо бўлар эди.

Янги қурилган уй эгаларининг тиббиёт муассасалари, мактаблар, болалар боғчалари, савдо шохобчалари, бозорлар, ҳовлисига олиб борадиган йўл, яъни оиланинг қулай шароитда яшаши учун зарур бўлган инфратузилма билан таъминланишда қандай муаммоларга дуч келгани ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади.

(Давоми 2-саҳифада).



Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 апрел куни Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, Франция, Германия, Испания, Италия, Ҳиндистон, Россия каби олтмишдан зиёд мамлакатдан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва эксперт иштирок этди.

Конференция Ўзбекистонда қишлоқ жойларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва унинг даромадларини оширишнинг устувор йўналиши ҳамда муҳим шарти сифатида белгиланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини обод этиш ва якка тартибдаги замонавий уй-жой қурилишига доир дастурлар ижроси натижаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, халқаро ҳамжамият ва хорижлик экспертларни мамлакатимизда ушбу соҳада эришилаётган ютуқлар билан кенг таништиришга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов халқаро конференциянинг очилиш маросимида нутқ сўзлади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида муқаддас ва гўзал Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек олий мақсад йўлида амалга оширилаётган беқиёс ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Элюрт ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш барча соҳадаги ислоҳот ва ўзгаришларнинг бош мақсади этиб белгиланган, халқимиз ўртасида «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган чуқур мазмунли ҳикмат тобора кенг тарқалиб, одамларимиз ўз уйи, ўз юртини гўзал ва обод қилиб, шундан ўзи мамнун бўлиб яшаётгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг бугунги тароватида яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, кейинги йилларда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида янги пайдо бўлган ҳамда янги аср қишлоқлари деб юритилаётган кўркам ва чиройли, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файз ва барака ҳукмрон аҳоли манзиллари мана шундай олижаноб мақсадларимизнинг амалдаги ифодаси, юртимизни дунёга танитишнинг муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг «ўзбек модели»нинг ўзига хос жиҳатларидан бири қишлоқларимизни изчил ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга устувор аҳамият берилаётганидадир. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, барчамизнинг илдизимиз, томиримиз аввалambor қишлоқ заминига бориб тақалади. Она Ватан деган улуғ ва муқаддас тушунча одамзот учун қишлоқ тимсолидан бошланади. Шу боис ҳам қишлоқларимизни ривожлантирмасдан мамлакатимиз тараққиётини, халқимиз фаровонлигини, дастурхонимиз тўкин-сочинлигини таъминлаб бўлмайди.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, бу ҳақиқатнинг моҳияти охиригача тушуниб етилмаганига, қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари, бу ерда яшовчи одамлар турмуш даражасини яхшилашга юзаки қаралганига гувоҳ бўламиз. Бундай шароитда қишлоқ аҳолисида ўз турмуш даражасини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, қишлоқларни обод қилиш имкониятлари чекланиши табиий эди. Шу тариқа ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича қишлоқ билан шаҳар ўртасида катта тафовутлар юзага келган.

Мустақилликка эришганимиздан кейин Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш сиёсати изчил амалга оширила бошланди. Қишлоқлар ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, бандликка доир ва бошқа қатор давлат дастурлари қабул қилиниб, қишлоқларда замонавий уй-жойлар, тиббиёт, таълим ва спорт объектлари, хизмат кўрсатиш мажмуалари бунёд этишга катта маблағлар йўналтирилмоқда.

(Давоми 3-саҳифада).

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД МУҲАММАД АЛИНИНГ НУТҚИ

Муҳтарам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Конференция иштирокчилари,

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун ушбу конференцияда маъруза қилиш ва бу ерда тўпланган ҳурматли олимлар, сиёсатчилар, мутахассисларга банкимизга аъзо мамлакатлар ва ҳамжамиятлар учун муҳим аҳамиятга эга ва келажакка дахлдор мавзу юзасидан мурожаат қилиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи номидан Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва халқига самимий қабул ва меҳмондўстлик, жаҳонга ўзининг бой тарихи билан машҳур ушбу гўзал шаҳар — Тошкентда ҳаётий муҳим мавзуда мазкур конференцияни ташкил этгани учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Биз Ўзбекистон раҳбариятининг қишлоқ ҳудудларини комплекс ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларига бағишланган ушбу халқаро форумни ташкил этиш ташаббусини юксак қадрлаймиз.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига мазкур тадбирни қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик изҳор этмоқчиман. Халқаро ва миллий ташкилотлар, хусусий сектор ва илмий доираларнинг ушбу муҳим анжуманга катта қизиқиш билдирганидан хурсандман.

Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти, унинг тараққиёт йўлидаги халқаро ва миллий ҳамкорларининг қишлоқ жойларини модернизация қилиш, қишлоқ аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилаш, иқтисодий ривожланиш ҳамда аҳоли бандлигини оширишга оид мақсадларни рўёбга чиқаришга интилишининг ёрқин далилидир.

Анжуман натижалари қишлоқ ҳудудларини тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришни режалаштираётган ёки бундай эзгу ишларни бошлашга киришаётган, бу борада Ўзбекистоннинг муваффақиятли тажрибасидан фойдаланиши мумкин бўлган бошқа мамлакатлар учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Шу муносабат билан Ислом тараққиёт банки гуруҳи номидан Ўзбекистон ҳукуматига Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга ошираётган улкан саъй-ҳаракатлари — қишлоқни ривожлантириш борасида халқаро ҳамкорлар билан биргаликда самарали ташаббусларни рўёбга чиқаришга қаратилган кенг қамровли ишлари учун миннатдорлик билдиришни истардим.

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича ушбу ташаббуслар минглаб қишлоқ оилаларини замонавий, қулай, нисбатан арзон уй-жойлар билан таъминлаш, қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш, тегишли тармоқ ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларининг янада ривожланишини рағбатлантириш, янги иш ўринларини яратиш ва пировард натижада қишлоқларнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш орқали уларнинг турмуш шароитини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси — бу Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар дастурининг муҳим, ҳал қилувчи қисмидир ва моҳиятига кўра, иқтисодий ислоҳотларнинг «ўзбек модели» самарадорлиги ва изчиллигининг амалдаги яна бир тасдиғидир. Ушбу модел макроиқтисодий ривожланишнинг барқарор юқори суръатларини таъминлаш билан бир қаторда аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, мувозанатли иқтисодий тараққиётга эришиш мақсадларини ўзида мужассам этган.

Қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ташаббуси ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмасини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли дастурлар билан мутаносиб равишда амалга оширилаётганини алоҳида қайд этиш зарур. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг мувозанатли иқтисодий тараққиёт йўлини танлаганидан далолатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми ёшлардан иборат бўлиб, унинг учдан бир қисмини 14 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ташкил этади. Бундан ташқари, аҳолининг қарийб ярми қишлоқ жойларида яшайди. Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг умумий ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун қишлоқни модернизация қилиш ва ривожлантириш нечоғли муҳим вазифа эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти буни чуқур ҳис этган ҳолда, қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга қаратилган дастурларга катта миқдорда инвестициялар йўналтирмоқда. Шу муносабат билан 2009 йилда махсус давлат банки ташкил этилгани ва унинг қишлоқни, жумладан, қишлоқ уй-жойлари ва инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳалари учун имтиёзли молиялашдан фойдаланишни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиб келаётганини таъкидлашни истардим. Ушбу ташаббуслар самарасида қишлоқ туманларида аҳоли турмуш даражаси янада юксала бошлади.

(Давоми 3-саҳифада).

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШИАО ЖАОНИНГ НУТҚИ

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Аввало, Ўзбекистонга яна бир бор келиш ва ушбу нуфузли халқаро конференцияда иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан ғоят мамнунман.

Дунёдаги барча давлат барқарор ва мутаносиб иқтисодий ривожланишга эришиш йўлини изламоқда. Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича давлат стратегиясининг амалга оширилиши жаҳондаги мавжуд иқтисодий ўзгарувчанликка қарамай, юксак самараларга эришиш имконини бермоқда. Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирози шароитида иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини сақлаб келаётган дунёдаги саноқли давлатлардан биридир. Мамлакат йиллик суръатлари бўйича жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан анча юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Президент Ислом Каримовнинг ўтган йил якунларига бағишланган маърузасида таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг жадал ва барқарор ривожланиши аҳоли жон бошига реал даромадни 8 баравар ошириш имконини берди. Айни пайтда Ўзбекистоннинг ижтимоий ривожланиш соҳасидаги салмоқли ютуқларини ва мамлакат фаровонлиги йил сайин ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислом Каримовни ана шу улкан ютуқлар билан самимий табриклайман. Ўзбекистон иқтисодиётни оқилона бошқариш ва макроиқтисодий асосни мустаҳкамлаш орқали барча мамлакатларга хос муаммоларни муваффақиятли ҳал этган ҳолда тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бормоқда. Ўзбекистон — Марказий Осиёдаги иқтисодиёти жадал ривожланаётган давлатлардан биридир. Шу боис Ўзбекистон 2020 йилга бориб ўртачадан юқори даромадга эга давлатга айланишдек ўзининг эзгу мақсадига эришиши мумкин. Мамлакат олдида турган навбатдаги вазифалар ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, аҳолининг ижтимоий аҳволини янада яхшилашдан иборатдир.

Ўзбекистонни ривожлантириш давлат стратегияси, 2012-2015 йилларда аҳоли фаровонлигини ошириш стратегиясида қайд этилганидек, салмоқли инвестициялар ва тузилмавий ислоҳотлар воситасида ушбу мақсадларга эришишга йўналтирилган.

ОТБнинг Ўзбекистонга оид стратегияси Ўзбекистонни комплекс ривожлантириш ва иқтисодиёти саноатлашган ҳамда диверсификация қилинган замонавий давлатга айлантириш бўйича миллий стратегияси асосида ишлаб чиқилган.

Яхлит ривожланишга эришиш ҳамда қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни қисқартириш мақсадида ОТБ қишлоқда энергетика, транспорт, сув таъминоти ва канализация тармоқларини яхшилаш, шунингдек, сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Президент Ислом Каримов томонидан амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларни давом эттириш мақсадида бизнинг стратегик ҳамкорлигимиз хусусий секторни ривожлантиришга, самарали бошқарувни рағбатлантиришга ҳамда техник билим ва хизматлар кўрсатишга қаратилган.

Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Буни инвестицияларнинг умумий ҳажми 8 миллиард доллардан ортиқ бўлган 47 лойиҳа мисолида ҳам кўриш мумкин. Бунда ОТБ томонидан молиялаштириш миқдори 3,5 миллиард долларга тенг бўлиб, лойиҳалар қийматининг қарийб ярмини ташкил этади. ОТБ Ўзбекистоннинг энергетика, йўл инфратузилмаси, молиявий секторини модернизация қилиш ва янгилаш билан боғлиқ муҳим лойиҳаларда, шунингдек, мамлакатнинг саноат салоҳиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётганидан фахрланади.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2009 йилда амалга оширила бошланган уй-жой қурилиши дастури миллий ривожланиш стратегиясининг, айни пайтда ОТБ ва Ўзбекистоннинг ҳамкорлик стратегиясининг муҳим йўналиши ҳисобланади.

(Давоми 3-саҳифада).

Jshonch
2013-yil 18-aprel № 49 (3242)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИ — ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРИШ ҲАМДА АҲОЛИ ҲАЁТИНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ ОМИЛИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқин одам қишлоқ жойларида истиқомат қилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, бугунги кунда ушбу соҳада ҳал қилишимиз лозим бўлган мураккаб вазифаларнинг кўлами ва миқёсини тасаввур этиш қийин эмас.

Бу борада шуни инобатга олиш керакки, Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил тараққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда. Шу муносабат билан **ҳозирги кунда қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича узоқ йиллар мобайнида шаклланган ёндашувлар, усул ва амалиётни** қайта кўриб чиқиш вақти келгани, буни ҳаётнинг ўзи илгари сураётгани янада яққол аён бўлмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурининг муҳим хусусиятлари, долзарблиги, унга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг принципиал хусусиятлари нималардан иборат?

Бу борада биринчи навбатда ҳал этиш лозим бўлган принципиал масалалардан бири — уй-жой қурилишининг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда илоҳ этишдан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган хусусий мулкнинг дахлсизлиги ҳақидаги принципга асосланган ҳолда қабул қилинган Уй-жой ва Шаҳарсозлик кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонуни, бошқа қонун ва меъёрий ҳужжатларда мулкдорнинг уй-жой ҳамда у барпо этилган ер участкасига муддатсиз эгалик қилиш ва уни мерос қилиб олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган.

Қишлоқ аҳолисига якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари бир оилага 6 сотих ҳисобида умрбод мерос қилиб олиш ҳуқуқи билан бепул ажратилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу эса бизнинг ер ресурсларимиз чекланган шароитда ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир.

Тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ, қишлоқ жойларида уй-жой массивларини қуриш ишлари якка тартибда уй-жой қурувчи ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган ва маъқулланган намунавий лойиҳалар асосида, муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари билан биргаликда барпо этилмоқда. Республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан автомобил йўллари, ички коммуникация тармоқларини қуриш, сув, газ ва энергия таъминотини йўлга қўйиш албатта амалга оширилиши лозим бўлган муҳим шартлардандир.

Янги уй-жой массивларида яшайдиган аҳоли сони инобатга олиниб, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ врачлик пунктлари, савдо шохобчалари ва спорт иншоотлари ҳам намунавий лойиҳалар асосида барпо этилмоқда.

Қишлоқларда уй-жой комплексларини қуришда муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан бир қаторда янги турдаги сервис ва электрон хизматлар кўрсатиш объектларини барпо этиш ҳамда ишга тушириш ҳам алоҳида эътиборга лойиқ масалалардандир.

Бу билан мен нима демоқчиман?

Бу ўринда янги, замонавий уй-жойлар барпо этиш билан бирга қишлоқдаги уйлар, қишлоқдаги оилаларга энг замонавий компьютерлар, ахборот-коммуникация технологиялари, замонавий телекоммуникация тизими, интернет кириб бораётгани ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, қишлоқ аҳолиси учун деярли янги бўлган бундай турдаги хизматлар одамлар эҳтиёжини таъминлаш билан бирга, қишлоқ касб-ҳунар коллежларида таълим олган ва касб эгаллаган минглаб, ўн минглаб йигит-қизларни иш билан банд этиш имконини бермоқда.

Фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлод учун бу қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини ўзингизга бир тасаввур қилинг. Буни сўз билан ифода этиб бўлмайди.

Шу ўринда якка тартибда уй-жой қурилишига кредит ажратиш механизмига эътибор қаратиши истардим. Қишлоқда яшайдиган одам уйнинг намунавий лойиҳасини танлаганидан сўнг дастлабки бадал сифатида уй қийматининг 25 фоизи миқдоридаги ўз маблағини тўлайди. Унга қулай шартлар асосида узоқ муддатга — 15 йилга имтиёзли фоиз ставкаси бўйича — биринчи йил белгиланган фоизни тўламаслик шарти билан — 7 фоиз миқдоридаги ипотека кредити берилади. Бу Марказий банкнинг йиллик 12 фоиз миқдорида белгиланган қайта молиялаш ставкасидан анча пастдир.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш бўйича комплекс ишларни амалга ошириш учун яхлит институционал тузилма ташкил этилди.

Намунавий уй-жойларни лойиҳалаштириш, ижтимоий ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасига эга бўлган уй-жой массивларини комплекс қуриш режасини ишлаб чиқиш **«Қишлоқ қурилиш лойиҳа»** ихтисослаштирилган лойиҳа-тадқиқот институти зиммасига юкланган. Шу билан бирга, мазкур институт қурилиш ишлари бажарилиши устидан муаллифлик назоратини ҳам амалга оширмоқда.

Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини кредит асосида молиялашни шу мақсадда ташкил этилган **«Қишлоқ қурилиш банк»** акциядорлик-тижорат банки амалга оширмоқда. Унинг низом жамғармаси бугунги кунда қарийб 130 миллион доллар миқдоридаги маблағга тенгдир.

Мазкур банк ташкил этилганидан буён ўтган тўрт йил мобайнида қишлоқда 23,6 минг нафар якка тартибда уй-жой қурувчига қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди.

Банк нафақат аҳоли, балки қишлоқда уй-жой ва ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этаётган қурилиш ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ қурилишида фойдаланиладиган замонавий материаллар ва конструкциялар ишлаб чиқарувчи корхоналарни ҳам кредит билан таъминламоқда.

Қишлоқ жойларида якка тартибда уй-жой қуриш дастурини амалга оширишда мамлакатимизнинг бошқа банклари — Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банки ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уй-жойларни намунавий лойиҳалар асосида тайёр ҳолда топшириш шарти билан қуриш борасидаги ҳамма ишлар **«Қишлоқ қурилиш инвест»** ихтисослаштирилган инжиниринг компанияси зиммасига юкланган. Ягона буюртмачи бўлган ушбу компания мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз филиалларига эга бўлиб, у қишлоқ жойларида уй-жой массивларини сифатли қуриш бўйича ягона сиёсатни амалга оширмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ҳудудларида ташкил этилган 900 дан ортиқ янги ихтисослаштирилган пудратчи қурилиш ташкилотларида бугунги кунда 20 минг нафарга яқин қурувчи меҳнат қилмоқда, замонавий қурилиш материаллари, конструкциялар, ёғоч пол, дераза панжаралари, том ёпиш ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 60 дан зиёд корхона ташкил қилинди. **Кенг кўламли имтиёз ва преференциялар тизими яратилди**.

«Қишлоқ қурилиш банк» кредитлари ҳисобидан якка тартибда уй-жой қураётган қишлоқ аҳолиси ипотека кредитларини қайтариш ва уларнинг устама фоизларини қоплашга йўналтириладиган даромад солиқларини тўлашдан озод этилган. Бундан ташқари, улар сотиб олган уй-жойдаги мулк учун ипотека кредитини тўлиқ тўлагунга қадар солиқ тўлашдан озод этилди.

Қишлоқ жойларида уй-жой қуришда иштирок этаётган **«Қишлоқ қурилиш инвест»** инжиниринг компанияси, пудратчи ташкилотлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ихтисослаштирилган корхоналар барча турдаги солиқлар ҳамда мақсадли давлат фондларига мажбурий ажратмалар, шунингдек, олиб келинаётган қурилиш техникаси ва кичик механизация воситалари учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилган. Бу эса қишлоқ аҳолиси учун қурилаётган уй-жойлар қийматини сезиларли равишда камайтириш имконини бермоқда. Бундай уй-жойларнинг бир квадрат метри шаҳардаги уй-жой қийматидан бугунги кунда ўртача 2 баробар пастдир.

Эътиборингизни яна бир масалага қаратмоқчиман. 2009-2012 йилларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида 650 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди, умумий майдони 3,2 миллион квадрат метр бўлган 23,6 мингдан ортиқ якка тартибдаги уй-жой қурилди. Ушбу мақсадларга 1,2 миллиард доллардан зиёд миқдордаги инвестициялар йўналтирилди. Узунлиги 732 километр асфалтланган автомобил йўллари, мингдан зиёд ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни, табиий газ билан таъминлаш даражаси эса 76,2 фоизни ташкил этмоқда.

Жорий йилда ҳам қишлоқ жойларида уй-жойларни кенг кўламда қуриш ишлари кўзда тутилган. 353 та қишлоқ массиви ҳудудида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр бўлган 10 мингта барча қулай шарт-шароитларга эга уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Айни пайтда узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари ва 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрлик автомобил йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йилда салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Қишлоқда қурилиш ҳажми ортиб бораётгани муносабати билан замонавий қурилиш саноати ривожланмоқда, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланиб, унинг даромади ва фаровонлиги тобора ошмоқда.

Биз учун айниқса янгича асосда мулкдорлар синфи шаклланаётгани, қишлоқларимиз қиёфаси кўз ўнгимизда тубдан ўзгариб бораётгани, одамларнинг маданияти юксалиб, уларнинг турмуш тарзи, онгу тафаккури ва менталитети ўзгараётгани бекиёс аҳамиятга эгадир.

Янги ва замонавий шароитларда вояга етаётган, эски тузумнинг барча асоратларидан холи бўлган, ўз келажагига қатъий ишонадиган, юксак билимли, мустақил фикрлайдиган, баркамол ўғил-қизлар ҳақли равишда бизнинг ғуруримиздир.

Бундай авлод билан ҳақиқатан ҳам фахрланиш ва энг дадил истиқбол режаларини тузиш мумкин.

Қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш бўйича махсус дастурни амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Жаҳон банки каби кўплаб нуфузли халқаро молия институтлари ва ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим. 2011 йилда Осиё тараққиёт банки Директорлар кенгаши томонидан жами 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги «Ўзбекистонда қишлоқ жойларида уй-жойлар қуришни ривожлантириш» лойиҳасини кўп траншли молиялаш дастури маъқулланди. 2012 йилда дастлабки транш доирасида 160 миллион доллар ажратилган бўлса, жорий йилда ушбу маблағнинг 200 миллион долларлик иккинчи транши тақдим этилади.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу юксак минбардан туриб Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро тузилмалар раҳбариятига бизга мазкур стратегик муҳим вазифани амалга оширишда кўрсатаётган қимматли ёрдами учун чуқур миннатдорлигимизни изҳор этмоқчиман.

Ҳурматли конференция қатнашчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган қишлоқ жойларида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан демократик ўзгариш ва янгиланишлар жараёнларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг биз танлаб олган ижтимоий йўналтирилган демократик давлат барпо этиш йўлидан жадал илгарилаб бораётгани, пухта ўйланган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг устувор йўналишлари, туб ўзгаришларни тадрижий, босқичмабосқич жорий этиш стратегияси танлангани ва изчил амалга оширилаётгани шундай мустаҳкам ва ишончли асос бўлиб хизмат қилмоқдаки, унинг негизида миллий иқтисодиётимиз барқарор ҳамда жадал ривожланмоқда, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражаси муттасил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътибори юксалмоқда, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин.

Бу борада аниқ рақамларни келтирмоқчиман.

Глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти дунёдаги саноқли давлатлар қатори юксак барқарор ўсиш суръатларига эришмоқда. Сўнгги 6 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Давлат бюджетининг барқарор профицит билан бажарилиши, олтин-валюта захирасининг етарлилиги таъминланмоқда. Ташқи қарз ялпи ички маҳсулотга нисбатан 12 фоиздан ошмасдан, пастлигича қолмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилгани унинг ўзига хос хусусияти бўлиб қолмоқда. Давлат сарф-харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларни молиялашга, жумладан, 34 фоизи таълим, 15 фоиздан ортиғи соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилмоқда.

Банк тизими ҳам ишончли ва барқарор фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда банк капиталининг етарлилик даражаси 24 фоизни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич дунёда умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баробар кўпдир. 2012 йил якуни бўйича банк тизимининг ликвидлиги талаб этилган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлди.

Ҳар йили янги, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича юзлаб йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда 2000 йилга нисбатан инвестицияларнинг йиллик ўсиши 4 баробар ошди ва сўнгги йилларда ўртача камида 12 миллиард долларни ташкил этмоқда. Инвестиция маблағларининг қарийб 78 фоизи — шунга алоҳида эътибор беришингизни сўрардим — ички манбалар ҳисобидан шакллантирилмоқда, жумладан, инвестициялар умумий ҳажмининг 21 фоизини аҳоли омонатлари ташкил этмоқда.

2012 йилда жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ортиғи ёки 2,5 миллиард доллардан кўпроғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Уларнинг 80 фоизга яқини тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Бу, ўз навбатида, хорижлик инвесторларнинг Ўзбекистонга, мамлакатимизда бизнес учун яратилган шарт-шароитларга ишончи тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

Аҳолининг банклардаги омонатлари ҳажми ўтган 2012 йилда 35 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 60 баробар ошди.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди ва айни пайтда унинг капитали 15 миллиард долларга етди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ўзи танлаган замонавий демократик ва иқтисодиёти ривожланган давлатлар қаторига кириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш йўлидан қатъий ишонч билан бораётганининг яна бир тасдиғидир.

Қадрли дўстлар!

Мазкур анжуман кун тартибига киритилган масалаларни тўлиқ муҳокама этиш, ушбу серқирра муаммонинг барча жиҳатини қамраб олиш имкони йўқлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Қишлоқда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш бўйича ўз стратегиямизни шакллантиришда конференция қатнашчилари томонидан бошқа мамлакатларда бу борада тўпланган қимматли тажрибани эътиборга олган ҳолда билдириладиган тилак ва таклифларни эшитиш биз учун жуда фойдали ва муҳимдир.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон барча халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, чет эл банклари ва компаниялари, олимлар ҳамда экспертлар билан ўз олдига қўйган мақсадни рўёбга чиқариш — қишлоқларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада изчил ошириш, уларни ривожланган давлатлардаги стандартларга яқинлаштиришда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдордир.

Муҳтарам меҳмонлар ва халқаро конференция иштирокчилари, сизларнинг тимсолингизда, биз, аввало, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва мамлакатни модернизация қилиш йўлида эришилаётган ютуқлардан чин дилдан манфаатдор бўлган инсонларни кўриб турибмиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизларга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва самимий миннатдорлигимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

Конференциянинг барча қатнашчиларига анжуман иши самарали бўлишини, азиз меҳмонларимизнинг саховатли ўзбек заминига ташрифи мазмунли ўтишини ҳамда барчангизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

СЎЗ – ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Жорий йилнинг 16-17 апрел кунлари мамлакатимизда «Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирлари хорижлик меҳмонларнинг айримлари билан суҳбатлашди.



Жолт ЛУКАЧ, Қурилиш компаниялари уюшмаси раиси (Словакия):

— Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан етакчи олим, мутахассис ва экспертлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этган мазкур халқаро анжуман юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Конференциянинг очилишида Президент Ислом Каримов иштирок этгани ва нутқ сўзлагани халқаро форумнинг нуфузи ва аҳамиятини янада оширди. Давлатингиз раҳбарининг нутқида Ўзбекистонда қишлоқ жойларида аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида изчил амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бераётган юксак самаралар, уларнинг аҳамияти ва мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари теран таҳлил қилинди.

Роберт ВИНЕР, «California coalition for rural housing» компаниясининг ижрочи директори (АҚШ):

— Бухоро вилоятида барпо этилган уйларнинг юксак сифати менда унутилмас таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг барча вилоятида бўлгани каби бу ерда ҳам қад ростлаган уйлар жуда чиройли ва яшаш учун қулай экан. Уйларнинг лойиҳаси, пухта ишланган инфратузилмаси, шинам ва ёруғлиги, барча афзалликларга эга экани, жумладан, электр энергияси, иссиқ ва совуқ сув билан таъминлангани менга ҳар жиҳатдан манзур бўлди. Бундай уй-жойлар лойиҳасида оилавий шароит ва миллий турмуш тарзига хос барча жиҳат эътиборга олинган. Ана шундай қурилиш ишлари мамлакатингизнинг барча туманларида кенг кўламда давом эттирилаётгани таҳсинга сазовор. Ўзбекистон қишлоқларида қурилаётган уйлар лойиҳасини бошқа мамлакатлар ҳам намуна сифатида фойдаланса арзийди.

Уйлар атрофида қад ростлаган савдо, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, мактаблар, спорт мажмуалари ҳам эътиборимни жалб этди. Буларнинг барчаси қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Конференциянинг юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Жиҳан Абдул Ғаффор АЛМЕНОФИЙ хоним, Миср қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тадқиқотлар маркази бош тадқиқотчиси:

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қуриш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юксак савияда ташкил этилган, қизиқарли маълумотларга бой бўлган мазкур халқаро конференция иштирокчиларнинг барчаси учун фойдали бўлди. Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг нутқида баён этилган ғоят теран фикрлар, илгари сурилган ғоялар, келтирилган рақамлар ва маълумотлар менда ғоят катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон ўзининг қадимий ва бой тарихи билан дунёга машҳур. Ўзбек диёрининг жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд аз-Замахшарий каби буюк сиймолари билан биз ҳам фахрланамиз. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга лойиқ. Конференция доирасида Самарқанд шаҳрини зиёрат қила олганимдан жуда хурсандман.

Чо Хюн ТЭ, Ер ва уй-жой корпорациясининг «Янги шаҳар» лойиҳаси директори (Жанубий Корея):

— Халқаро конференция жуда юксак савияда ташкил этилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда истиқлол йилларида бетимсол ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлдилар. Мамлакатингизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларда замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, қишлоқларнинг янги инфратузилмаларини шакллантириш борасида ҳавас қилса арзигулик ислоҳотлар амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Самарқанддаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш бахтига муяссар бўлдик. Бу ердаги қадимий обидаларнинг меъморий ечими, бугунга қадар асл ҳолида сақланиб келинаётгани, киши ақлини шоширувчи гўзаллиги ва салобати ҳақиқий мўъжизадир. Менга, айниқса, Регистон ансамблидаги зарҳал нақшлар билан безатилган Тиллакори, Улуғбек ва Шердор мадрасалари жуда ёқди. Тошкент ва Самарқанднинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, ҳар қадамда улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, халқингизнинг яратувчанлик салоҳиятига тасаннолар айтдим. Ўзбекистоннинг гўзал табиати, одамларингиз юзидаги ҳаётдан мамнунлик, эртанги кунга ишонч бизда ҳавас уйғотди.

ЎзА мухбирлари
Мадина УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.
ЎзА олган сурат

Ishonch
2013-yil 18-aprel № 49 (3242)

МАМЛАКАТИМИЗ БУЮК КЕЛАЖАГИНИНГ МУСТАҲКАМ АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2009 йилнинг мамлакатимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили», деб эълон қилиниши ва «Қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади», деган эзгу ғояни ўзида ифода этган махсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши ва изчиллик билан ҳаётга жорий қилинаётгани бу соҳада янги даврни бошлаб берди. Мазкур дастурга биноан қишлоқ аҳолиси ҳаётининг сифатини янада яхшилаш мақсадида қишлоқларимизнинг архитектура нуқтаи назаридан режалаштирилишини ташкил этиш, уларда уй-жой ва ижтимоий объектлар қурилишини лойиҳалаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқларни комплекс ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтиришга қаратилган кўплаб фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 21 январда қабул қилинган қарорига мувофиқ «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» лойиҳа-тадқиқот институти ташкил этилди. Мазкур институт томонидан қишлоқ жойларида барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш объектларининг намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди. 2009 йилнинг сентябр ойида ва 2010 йилнинг октябр ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган кўргазмаларда бу лойиҳалар кенг жамоатчиликка намойиш этилди, улар атрофлича муҳокамалардан ўтказилиб янада такомиллаштирилди.

Қурилишда кўзланган мақсадга етишишнинг асосий омиллари орасида ҳал қилувчи ўрин тутадигани бу — лойиҳа экани маълум. Шу маънода Президентимизнинг замонавий уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини яратиш ва уларни такомиллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш лозим. Президентимиз мамлакатимиз вилоятларига ташрифи чоғида дастлаб қурилган уйлар билан бевосита танишиб, уларнинг афзал жиҳатларини эътироф этган ҳолда, ушбу лойиҳаларни янада такомиллаштириш юзасидан ўзининг амалий таклиф ва тавсияларини билдирди. Бу муҳим масала Юртбошимиз раҳбарлигида бир неча бор муҳокама қилиниб, намунавий лойиҳалар ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилинди. 2010 йил 17 июнда Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ якка тартибдаги уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларига жиддий ўзгартириш ва тузатишлар киритилди. Жумладан, қишлоқ жойларида ҳар бир иморат қурувчига 4 сотих ўрнига 6 сотих ҳажмида ер участкаси ажратиш белгиланди.

Бугунги кунда юртимизнинг барча минтақасида танлаб олинган намунавий лойиҳалар асосида уч, тўрт ва беш хонали уй-жойлар шарқона усулда, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, ҳудудларнинг табиий иқлим шароити, шу билан бирга, замонавий муҳандислик коммуникациялари билан уйғун ҳолда, баҳаво, ёруғ, кенг ва қулай қилиб бунёд этилмоқда. Янги уй-жойлар лойиҳаларида сиртдан қараганда арзимасдек туюладиган, лекин кундалик ҳаётимизда катта аҳамиятга эга барча жиҳат, инсоннинг энг нозик эҳтиёжлари ҳам ҳисобга олинган.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 30 март куни имзоланган қарори асосида тузилган «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки қишлоқларимиз қиёфасини замонавийлаштириш, уларнинг кўркига кўрк қўшиш, қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитини яхшилаш йўлидаги ишларни маблағ билан таъминлаш, бу соҳада узоқ муддатли имтиёзли кредитлашни амалга ошириш борасида самарали фаолият олиб бормоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августда имзоланган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан уй-жой шароитини яхшилаш ниятида бўлган фуқароларга катта имтиёз ва қулайликлар яратилди, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қурилиш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш механизмлари шакллантирилди. Мазкур қарорга мувофиқ, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилди. Қишлоқда якка тартибдаги уй-жойлар ва ижтимоий объектларни тайёр ҳолда топшириш шарти асосида фаолият олиб борадиган, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида ўз бўлимига эга бўлган мазкур компания намунавий лойиҳаларни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳар томонлама пухта ўйланган бу ноёб тизим халқимиз орзу ва ниятларининг рўёбга чиқиши, кўркам, шинам, инсон ҳаёти учун барча шароит муҳайё этилган замонавий уйларга эга бўлишида кенг имкониятларни яратаётир. Бугунги кунда янги уйга эга бўлишни истаган қишлоқ аҳолиси уй қурилишида фақат ўз маблағи билан иштирок этади, холос. Яъни, дастлаб намунавий лойиҳа асосидаги уй нархининг 25 фоизи миқдоридаги бошланғич бадал пулини тўлайди ва сўнг қурилиш жараёнини назорат қилиб боради. Қурилиш сарф-харажатларининг аксарият қисми аҳолига «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан бериладиган узоқ муддатли имтиёзли кредит ҳисобидан қопланади. Янги уй-жойларни барпо этишни молиялаштиришни ташкил этиш ва қурилишининг бориши устидан техник назорат ўрнатиш, банк томонидан берилган имтиёзли кредитлар ҳисобидан узил-кесил ҳисоб-китоб қилиш асосида намунавий лойиҳалар бўйича қурилган уй-жойларни аҳолига топшириш ҳам «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси зиммасига юклатилган.

Мана шундай тизим асосида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2009-2012 йилларда 23,6 минг замонавий уй-жой барпо этилди. 2013 йил — Обод турмуш йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш белгиланган бўлиб, 10 мингта уй-жойни барпо этиш ишлари изчил олиб борилмоқда. Шу мақсадда йил охиригача 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтирилади.

Бундай кенг кўламдаги эзгу ва хайрли ишларни иқтисодиёти жадал ривожланаётган, инсон, унинг манфаатлари олий қадрият ҳисобланган мамлакатдагина амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари бўйича дунёдаги энг жадал ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Жаҳон иқтисодиётида ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор суръатлар билан ривожлантириш изчил давом эттирилди, ўтган йили мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, замонавий уй-жойлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларига асосида бунёд этилмоқда. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси, «Ўзметкомбинат» акциядорлик бирлашмаси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси тизимидаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган цемент, металлопрокат, пишиқ ғишт, иситиш жиҳозлари, ойна сингари қурилиш материаллари қурувчиларга имтиёзли нархларда ўз вақтида етказиб берилмоқда. Биргина цементни оладиган бўлсак, 2012 йили бунёдкорлик ишлари учун 410 минг тоннадан ортиқ ана шундай маҳсулот етказиб берилган.

Мамлакатимизда авж олган кенг кўламдаги қурилиш ишлари, табиийки, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни ҳам оширмоқда. Жойларда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхоналар ишга туширилаётгани бу эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилаётир. Юртимизда маҳаллий хомашёдан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми тобора кенгаймоқда. Ҳозир мамлакатимизда йилига 3 миллиард дона пишиқ ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга 800 дан ортиқ корхона фаолият кўрсатмоқда. Янги лойиҳа бўйича қурилаётган уй-жойлар учун йилига 450 миллион дона атрофида пишиқ ғишт ишлатилмоқда.

Қурилиш ишларида қўлланилаётган материалларнинг сифати доимий назоратга олинган. Уй-жойлар қурилишида экологик жиҳатдан тоза, узоқ муддатли, самарали, энергияни тежайдиган қурилиш материалларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, боғловчи маҳсулотлар, яъни цемент, оҳак, гипс билан бир қаторда қурилиш қоришмаларидан ҳам самарали фойдаланилаётир. Бугун юртимизда ана шундай қоришмалар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони қирқдан ошди. Муҳандислик коммуникацияларини учун илгари фойдаланиб келинган металл қувурлар ўрнини замонавий полимерлардан тайёрлангани эгаллаган бўлса, девор ва шифтлар учун пластик панеллар, хоналарни иситишда чўян ва алюминийли радиаторлар ишлатилмоқда. Томлар эса металл черепицалар билан ёпилаётир. Буларнинг ҳаммаси мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари томонидан етказиб берилмоқда.

Умуман олганда, тармоқ корхоналари кейинги йилларда ўттиздан ортиқ турдаги янги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бугунги кунда атиги икки хил материал — тахта ва томлар черепицаси учун металл листларигина импорт қилинади. Айни пайтда корхоналарнинг экспорт салоҳияти тобора ортиб бормоқда. Агар 1995 йилда фақат цемент ва шиша буюмлар экспорт қилинган бўлса, ҳозир хорижга сотилаётган маҳсулотларнинг тури ўттиздан ошди. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси корхоналарида бир қатор лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш чоралари кўрилмоқда. «Бекободцемент» акциядорлик жамиятида янги линия ишга туширилди. Натижада мамлакатимизда цемент ишлаб чиқариш ҳажми яна 1 миллион тоннага ошиб, бу ерда қарийб 100 янги иш ўрни яратилди. Жиззах вилоятида йилига 350 минг тонна оқ цемент, 750 минг тонна портландцемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича сармоявий лойиҳа устида иш олиб борилмоқда. Фарғона шаҳрида сопол плиткалар, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида йилига 2,1 миллион квадрат метр бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Санитар-техник сопол буюмлар, керамагранит маҳсулотлари, керамик плиткалар ишлаб чиқариш лойиҳалари юзасидан ҳам тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги қишлоқ массивларида уй-жойлар билан бир қаторда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, маҳалла марказлари, савдо мажмуалари, хизмат кўрсатиш объектлари бош режа асосида комплекс тарзда қурилмоқда. Давлат маблағлари ҳисобидан ичимлик суви, электр ва газ таъминоти, коммунал инфратузилма тармоқлари ва объектларини қуриш ишлари тизимли асосда давом эттирилмоқда.

Қишлоқда уй-жой бинолари ва ижтимоий инфратузилмалар қурилишини жадал ривожлантириш дастури аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш билан боғлиқ долзарб масалани ҳал қилиш имконини ҳам бермоқда. Бугунги кунда якка тартибдаги уй-жойлар қурилишида ўн минглаб юртдошларимиз меҳнат қилмоқда. Янги аҳоли манзилларида замонавий ихчам корхоналар ташкил қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган корхоналарда маҳаллий хомашёдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ ёшлари коллежларда билим ва малака эгаллаб, ана шундай корхоналарда ишламоқда. Бундай изчил чора-тадбирлар глобал молиявий-иқтисодий инқирозининг аҳоли турмуш даражасига салбий таъсирининг олдини олиш имконини бераётир. Айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида кўплаб давлатларда мавжуд иш ўринлари ёпилиб, ишсизлик даражаси ортиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда 2012 йилда очилган бир миллиондан зиёд янги иш ўрнининг ярмидан ортиғи қишлоқ жойларида яратилганлиги дастурлар ижросининг муҳим натижаси бўлди.

Халқаро конференция иштирокчилари Симпозиумлар саройида ташкил этилган мустақиллик йилларида мамлакатимизда қишлоқ жойларида замонавий уй-жойлар қурилиши, ижтимоий, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектлари билан танишган конференция иштирокчилари Ўзбекистонда ушбу соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Конференцияда Ўзбекистоннинг замонавий уй-жой қурилиши орқали қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш борасидаги тажрибаси ўз самарадорлиги ҳамда қўйилган мақсадларга эришиш бўйича кўплаб мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги қайд этилди.

Анжуман иштирокчилари секция мажлисларида қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишининг ҳуқуқий асослари ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, уй-жой қурилиши бўйича аҳоли учун яратилган шароит ва кафолатлар, уй-жойлар ва инфратузилма объектлари қурилишига сармояларни жалб қилиш борасидаги имтиёз ва преференциялар, қишлоқда замонавий уй-жойлар барпо этилишининг қурилиш ва саноат корхоналарини жадал ривожлантиришга таъсири, хизмат кўрсатиш соҳасини тараққий эттириш, янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли даромадларини оширишдаги аҳамиятига оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Анжуманда халқаро конференция якуний ҳужжати қабул қилинди.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ПРЕЗИДЕНТИ АҲМАД МУҲАММАД АЛИНИНГ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Президент Жаноби Олийлари!

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси Ислом тараққиёт банкига 2003 йил сентябрда аъзо бўлган. Ўтган вақт мобайнида Ислом тараққиёт банки гуруҳи молия институтлари томонидан мамлакатга йўналтирилган маблағларнинг умумий қиймати бир миллиард доллардан, лойиҳалари сони ўттиз саккиздан ошди. Ўтган йилнинг ўзида банк ва Ўзбекистон ҳукумати соғлиқни сақлаш, энергетика ва қишлоқ хўжалиги соҳасида қиймати 227,7 миллион долларлик учта лойиҳа бўйича битим ҳамда институционал ривожланиш грантини имзолади. Ислом тараққиёт банки гуруҳининг фаолияти ички ва ранг-баранг бўлиб, қишлоқ туманларини, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси Ўзбекистонда Ислом тараққиёт банки гуруҳи умумий фаолиятининг узвий қисми сифатида янги лизинг компаниясини ташкил этди. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси яқинда Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида тақсимлаш учун 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди. Мазкур лойиҳа мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, янги бизнес-лойиҳаларни, хусусан, қишлоқ ҳудудларида амалга оширишни кўпайтиришга хизмат қилиши лозим.

Яқин йиллар ичида Ўзбекистон ҳукумати билан самарали ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашни режалаштирмоқдамиз. Жорий йилда банкимиз қатор муҳим лойиҳалар, чунончи, бир қанча гидроэлектрстанцияларни модернизациялаш, кўплаб ирригация ва дренаж каналларини реконструкция қилиш, Ўзбекистон миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркини модернизациялаш лойиҳаларини молиялаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишни мўлжалламоқда.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи муваффақиятли тажрибамизга асосланган ҳолда, гуруҳнинг Ўзбекистондаги бўлғуси операциялари учун стратегик концепцияни ишлаб чиқиш бўйича мулоқот бошлашни режалаштирмоқда. Бу жараён «Аъзо мамлакатлар учун шериклик стратегияси» деб аталади.

Бу эса Ислом тараққиёт банки гуруҳининг ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги иштирокини кенгайтиришга хизмат қилади.

Негаки, мазкур стратегия манфаатдор томонлар маслаҳатлашувлари билан боғлиқдир. Ушбу халқаро конференция натижалари бу борада муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Зеро, ундан стратегик мулоқот давомида фойдаланишимиз мумкин. Қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ва қишлоқ аҳолиси фаровонлигини янада оширишда жойлардаги эҳтиёжларга эътибор қаратиш Ислом тараққиёт банки гуруҳи томонидан Ўзбекистон учун ишлаб чиқилаётган шериклик стратегиясининг муҳим жиҳатларидандир.

Қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ёшлар бандлигини таъминлашга ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга кўмаклашаётган кичик бизнес тараққиётига ижобий таъсир кўрсатишини таъкидлаш зарур.

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Қишлоқ туманлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда қўллаб-қувватлаб келаётган асосий йўналишлардан бири бўлиб, бугунги кунда банк томонидан маъқулланган лойиҳалар умумий ҳажмининг 18 фоизини ташкил қилишини мамнуният билан таъкидламоқчиман. Ислом тараққиёт банки Ўзбекистонда амалга ошираётган операцияларнинг катта қисми транспорт ва энергетика тармоғи билан бирга қишлоқ туманлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу қишлоқ туманларини модернизация қилиш ва ривожлантириш банкимиз фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан эканини кўрсатади. Биз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва иқтисодий имкониятларини оширишга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиз, Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти билан яқин ҳамкорликда қишлоқ жойларида ижтимоий ҳамда иқтисодий инфратузилмани модернизация қилиш бўйича эришаётган ютуқларимиз билан фахрланамиз. Қишлоқ туманларида инфратузилма ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларга қўшимча равишда банкимиз қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини яхшилашда муҳим ўрин тутадиган таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни ҳам молиялаштирмоқда. Таълимга оид лойиҳаларда чекка қишлоқ туманларида 28 мактаб (айни пайтда уларнинг ўн бештаси фаолият кўрсатмоқда) ва беш касб-ҳунар коллежини қуриш кўзда тутилган.

Ислом тараққиёт банки соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатаётган тез тиббий ёрдам клиникаларини жиҳозлаш учун янги тиббиёт асбоб-ускуналарини сотиб олишни молиялаштиришга, мамлакат ҳудудларида аҳоли учун тегишли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшди. Онкология хизматини жиҳозлаш лойиҳаси Ислом тараққиёт банкининг яқинда тасдиқланган янги лойиҳасидир. Лойиҳа доирасида мамлакатдаги 15 ихтисослаштирилган марказ жиҳозланади. Шундай қилиб, юқорида қайд этилган барча лойиҳа Ўзбекистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини барқарор оширишга бевосита ёки билвосита хизмат қилади.

Ислом тараққиёт банки бундан кейин ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг қишлоқ жойларида инсон салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва қишлоқ инфратузилмасини модернизация қилиш борасидаги таҳсинга лойиқ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайверади. Бу саъй-ҳаракатлар Ўзбекистон иқтисодиётини янада жадал ривожлантиришга хизмат қилишига ишонамиз. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийлари раҳнамолигида қишлоқ ҳудудларининг салоҳияти ва ресурсларидан янада самарали фойдаланиш имконини беради. Ўзбекистонда қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш дастурини қўллаб-қувватлашимиз 2013 йилда ишлаб чиқилиши ниҳоясига етказиладиган Ўзбекистон билан шериклик стратегиясида ўз ифодасини топади. Ислом тараққиёт банкининг мамлакат тараққиётига қаратилган лойиҳаларида, жумладан, қишлоқ туманларини комплекс ривожлантириш ташаббусларида иштирок этиши Ўзбекистон учун Ислом тараққиёт банки шериклик стратегияси бўйича истиқболдаги мулоқотнинг асосий йўналишларини ташкил этади.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сўзимнинг якунида марҳаматли Аллоҳдан қишлоқ туманларини ривожлантиришга оид саъй-ҳаракатларимиз самарали, мазкур анжуман эса муваффақиятли бўлишини сўрайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ ВИЦЕ-ПРЕЗИДЕНТИ ШИАО ЖАОНИНГ НУТҚИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ушбу дастур Ўзбекистон билан ОТБ ўртасида жадал ривожланаётган ҳамкорликка яққол мисол бўла олади. Дастур доирасидаги биринчи лойиҳа 8,5 минг қишлоқ оиласига турмуш шароитини яхшилаш имкониятини берди. Айни пайтда 850 пудратчига кўмак кўрсатилиб, бугун мамлакат бўйича қишлоқ аҳолиси учун 100 минг иш ўрни яратилди.

Ҳар бир қишлоқ массивида чакана савдо ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун жойлар ажратилган. Электр, газ ва сув билан ишончли таъминлаш орқали касаначиликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган. Бош режа асосида атроф-муҳит учун мақбул янги қурилиш технологиялари ва материалларидан фойдаланиб барпо этилган замонавий уй-жойлар қурилиш саноатини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда ўзбек тадбиркорлари ва мазкур соҳалар учун қўшимча имкониятлар яратади. Ушбу имкониятлар ҳукуматнинг қишлоқ тадбиркорлари учун кредитлаш ва молиялаштириш тизимини такомиллаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларининг амалдаги ифодасидир.

Бундай инновацион ва ноёб дастур доирасидаги ҳамкорлик ОТБ тарихида илк бор амалга оширилмоқда. Қатор янги ёндашувлар ва ечимлар давлат инвестицияларининг, шунингдек, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш бўйича янги механизмларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бунга қуйидаги илғор механизмлар киради: ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари имкониятларини кенгайтириш; пудратчилар — кичик бизнес субъектлари учун тендер савдоларини ўтказиш бўйича содда ва тушунарли қоидаларни ишлаб чиқиш, шунингдек, савдоларни ўтказиш самарадорлигини ошириш. Бу турдаги илк дастурнинг амалга оширилиши ўзбек ёшларига миллий ривожланиш дастурида фаол иштирок этиш, касб кўникмаларини ривожлантириш ва дастурнинг кафолатланган ютуқларига ўз ҳиссасини қўшиш имконини беради.

2011 йилнинг сентябрида ОТБ қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши бўйича давлат дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида 500 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кўп йиллик инвестиция дастурини тасдиқлади. Қишлоқни комплекс ривожлантириш бўйича уй-жой дастури уч принципиал вазифани ўз ичига олади:

— биринчидан, 2015 йилгача бўлган даврда қишлоқ аҳолисига 50000 ипотека кредитлари ажратилишини қўллаб-қувватлаш;

— иккинчидан, маҳаллий бошқарув органларининг қишлоқ жойларини ривожлантириш борасидаги имкониятларини кенгайтириш;

— учинчидан, қишлоқ жойларига инвестиция киритилишини рағбатлантириш ва кичик бизнес ривожига кўмаклашиш.

Дастур аҳолини янги ва замонавий уй-жой, яхшиланган инфратузилма ва ижтимоий хизматлар, ипотека кредитлари билан таъминлаш борасида ёрдам кўрсатади. Айни пайтда у маҳаллий қурилиш секторини ривожлантиришга кўмаклашади, шифокорлар, ўқитувчилар ва бошқа касб эгалари учун қишлоқ жойларининг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, бу жараёнда янги иш ўринлари яратилишига ўз ҳиссасини қўшади.

Янги уй-жойлар замонавий дизайн ва қулайликларга эга, электр ва сув билан таъминланган. Янги уйлар қишлоқ жойларида юқори уй-жой стандартларини ўзида акс эттиради, оилалар, айниқса, хотин-қизлар учун юксак даражадаги қулайликлар ва шарт-шароитларни таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари, янги уй-жойлар қишлоқлар кўркига кўрк қўшади. Болалар боғчаси, мактаблар ва врачлик пунктлари бевосита янги атрофда жойлашгани ҳам аҳоли учун қатта қулайликлар яратади. Шунингдек, кичик бизнес субъектлари яқин атрофда ташкил этилади. Янги уйлар билан бир вақтда коммунал инфратузилма ҳам барпо этилмоқда. Транспорт ва бошқа жамоат хизматларидан фойдаланиш имкониятлари пухта ўйланган.

Бундай замонавий шароит қишлоқларда оилавий ҳаётнинг янги мезонларини белгилаш имконини беради. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, дастур мамлакатнинг ҳар бир ҳудудида қишлоқ аҳолиси манфаатларини таъминлашга хизмат қилади.

Дастурда, шунингдек, ўртача даромади ўнчалик юқори бўлмаган оилаларга ҳам узоқ муддатли ипотека кредити бериш кўзда тутилган. Ёш оилалар, нотўкис оила; серфарзанд оилалар; шунингдек, имконияти чекланган шахслар яшайдиган оилалар — буларнинг барчаси дастурда иштирок этади.

Сифатли таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган ўқитувчилар ва шифокорлар, айни пайтда иш жойларини ташкил этадиган тадбиркорлар ҳам дастурнинг мақсадли иштирокчилари сирасига киради.

Қишлоқ жойларида уй-жой қуриш дастури катта самара беради: ҳар йили қарийб 1000 қишлоқ қурилиш бизнеси учун имкониятлар яратилади, 100 мингга яқин иш ўринлари ташкил этилади.

Янги қишлоқ массивларида кичик бизнесни ривожлантириш янада рағбатлантирилади, умуман, қишлоқ жойларида очиладиган иш ўринларининг 50 фоиздан ортиғи ана шу массивлар ҳиссасига тўғри келади. Ҳар бир янги қишлоқ массиви чакана савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига эга бўлади. Электр қуввати, газ ва сув билан таъминланган ҳар бир янги хонадонда касаначиликни ташкил этиш учун янги имкониятлар очилади. Ҳар йили кичик бизнес ва касаначиликка оид 3 мингга яқин субъект, шунингдек, 15 мингтагача иш ўринлари ташкил қилиниши мумкин.

Режалаштирилаётган янги массивлар, уйларнинг замонавий қиёфаси, янги қурилиш технологиялари ва материаллари, шунингдек, экологик жиҳатдан оқилона қурилиш ечимлари қурилиш секторини ривожлантиришга кўмаклашади ҳамда тадбиркорлик ва саноатни ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Ушбу дастурнинг самарадорлиги тобора ошмоқда. Энг яхши халқаро стандартлар асосида «электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ғоят долзарб аҳамиятга эга. Ушбу дастурни тўлиқ қўллаб-қувватлаётган ОТБ якинда Ўзбекистонда электрон ҳукумат стратегиясини жорий этишни қўллаб-қувватлашга техник кўмаклашиш дастурини тасдиқлади. Бу йўналишдаги фаолият қишлоқда уй-жой қурилиши дастурининг истиқболда ҳам самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Келажакни назарда тутган ҳолда, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, ОТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мутаносиб тараққиётга эришиш йўлида иқтисодиётни изчил диверсификация қилишни давом эттириш имконини беради. ОТБ Ўзбекистон билан қуйидаги соҳаларда ҳамкорлик қилади:

— энергетикани ривожлантириш, жумладан, арзон нархдаги электр қуввати билан таъминлаш учун қўёш энергиясидан фойдаланишни кенгайтириш;

— сув таъминоти, канализация ва қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш тизимларини яхшилаш;

— қишлоқ хўжалиги самарадорлигини яхшилаш ва фермер хўжаликлари даромадларини ошириш мақсадида ирригация тизимларини тиклаш;

— бозорларга чиқиш имкониятларини ошириш учун автомобил ва темир йўллар қуриш ва кенгайтириш;

— микро ва макро бизнес учун молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш.

Биз Ўзбекистон раҳбарияти билан ҳамкорликда, ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича, жумладан, мамлакат саноатини модернизациялаш дастури бўйича, шунингдек, қишлоқ билан шаҳар аҳолиси даромадлари ўртасидаги тафовутни қисқартириш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар барқарор ва мувозанатли иқтисодий ўсишни, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда одамлар фаровонлигини оширишни таъминлашга хизмат қилади.

Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ва мувозанатланган ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлиб, мамлакатнинг узоқ даромадли давлатлар қаторидан жой олишида муҳим аҳамият касб этади.

ОТБ Ўзбекистон билан янада яқинроқ ҳамкорлик қилишга манфаатдордир. Биз бундан буён ҳам иқтисодиётни диверсификация қилиш, хусусий секторни ривожлантириш ва янги иш ўринларини ташкил этиш масалаларида Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Мен самимий меҳмондўстлик ва ушбу муҳим халқаро анжуманни юқори савияда ташкил этилгани учун Ўзбекистон Президентига алоҳида миннатдорлик изҳор этмоқчиман.

Ishonch
2013-yil 18-aprel № 49 (3242)

Ўзбекистон ёшлари

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Бу улар фаолиятини ривожлантириш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилганлиги туфайлидир, албатта. Энг йирик ва оммавий жамоат ташкилотларидан бири бўлган Ўзбекистон касаба уюшмалари мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бир қаторда, юртимизда инсон манфаатлари йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда ҳам фаол иштирок этмоқда.

ВАТАННИ ҲИМОЯЛАШ — ЮКСАК ШАРАФ

Хусусан, Касаба уюшмалари Федерацияси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибида ватан ҳимоячилари учун ташкил этилаётган давра суҳбатлари ва учрашувларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти, истиқлол йилларида турли соҳаларда эришилаётган ютуқларнинг обод турмуш учун қанчалар муҳим эканлигини ёш аскарлар онгига сингдириш, маънавиятини юксалтириш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Куни кеча Федерация Кенгаши раиси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзоси Т.Нарбаева Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятларидаги ҳарбий қисмларда бўлди.

Хоразм вилоятидаги Сержантлар тайёрлаш мактабида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ташкил этилган давра суҳбати ҳамда маданий-маърифий тадбирда вилоят ҳокимлиги, Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактаби раҳбарияти, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси вакиллари иштирок этдилар.

— Мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари томонидан Миллий армиямизга кўрсатилаётган эътибор, Қуролли Кучларимиз сафларини етук мутахассислар билан таъминлаш, Ватан ҳимоячиларининг билим ва салоҳиятини юксалтириш, уларга барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида амалга оширилган кенг кўламли саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этиш зарур, — деди, жумладан, Т.Нарбаева. — Сержантлар тайёрлаш мактабида юрт ўғлонлари учун яратилган ижтимоий-маиший шароитлар билан яқиндан танишдик ва уларнинг билим олиши, тажриба орттириши ҳамда етарлича малака ҳосил қилишлари учун яратилган имкониятлар, файзли ётоқ бинолари, маиший хизмат хоналарини кўриб қалбимиз фахр-ифтихорга тўлди. Сержантлар ҳамда офицерлар билан бўлган давра суҳбати чоғида шунга амин бўлдикки, улар Ватанни ҳимоялашдек юксак шараф зиммаларига тушганлиги учун тақдирдан розидирлар. Юртимиз келажаги учун мардларча хизмат қилишга доимо шай эканликларини уларнинг юз-кўзидаги мамнунлик ифодаси ва шижоатдан ҳам билса бўлади.

Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳарбий қисмда ўтказилган учрашувларда ҳам аскарларнинг билимларини мустаҳкамлаш, маънавий ва жисмоний камолоти учун яратилган шарт-шароитлар алоҳида эътироф этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси, Шимоли-Ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондонлиги, Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутасаддилари ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари билан дилдан суҳбат қурдилар.

Давра суҳбатидан сўнг, аскар ва зобитлар учун концерт дастури ташкил этилди.


Тадбир якунида Сержантлар тайёрлаш мактаби ҳамда ҳарбий қисмга касаба уюшмалари томонидан компютер жамланмалари топширилди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот котиби

Қаҳрамонлар орамизда

БАХТ МАНЗИЛИ

Қўл ҳаракати билан бошқариладиган уч ғилдиракли велосипедда келаётган йигит беихтиёр ўтган-кетганнинг эътиборини тортди.



— Бу антиқа велосипед ихтирочиси ким?

— Кўп йиллик бошқотирмаларим асосида яратилган шу «машина» саломатлигимни мустаҳкамлашга ҳам ёрдам бермоқда.

— Сиз ҳақингизда эшитгандим, спортнинг армрестлинг тури билан шуғуллансангиз билакларингиз яна ҳам бақувват бўлишини ўйлаб кўрсангиз бўларкан.

Нишон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, Талимаржон шаҳар ҳокими Шуҳрат Норқобилов билан бўлиб ўтган суҳбатдан Тиловмуроднинг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Баъзан ўйлаб қоласан, киши. Тўрт мучаси соғ одамлар жамиятда бирон бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, олтинга тенг дақиқалар қадрига етмай, уни беҳуда ўтказадилар. Бироқ...

Ҳушчақчақ, очиққўнгил, доимо кулиб турадиган Тиловмурод тақдир синовларига болалигидан дучор бўлди. У шифокорнинг биргина хатоси туфайли нотўғри муолажа олганида эндигина саккиз ойлик чақалоқ эди. Ўсиб-улғайгач, икки оёғида жонсизлик сезила бошлади. Ота-онасининг югурмаган жойи, кўрсатмаган шифокори қолмади. На илож, тақдирга тан бериб, жони омон бўлганлигига шукрона келтиришди.

...Тиловмурод Тошкент шаҳар Қибрай туманидаги мактаб-интернатда таҳсил олди. Тўққизинчи синфни тугаллагач, ўқишни махсус билим юртида давом эттириб, косибчилик ҳунарини эгаллади. 18 ёшида малакали мутахассис бўлиб, Талимаржон шаҳридаги пойабзал таъмирлаш устахонасида иш бошлади. Дилкаш, самимий бу йигитни барча бирдек ҳурмат қиладиган бўлди.

— Кишилар хизматига яраб, уларнинг олқишига сазовор бўлишдан ҳам улуғроғи йўқ. Шукрки, рўзғорим бут. Оила аъзоларим, фарзандларим билан тинч-тотув ҳаёт кечиряпман. Чарчаган, зериккан пайтимда рафиқам Умидахон ёнимда бўлади. Тўрт нафар фарзандимизни жамиятимизга мос ўғил-қизлар қилиб тарбияламоқдамиз. Тўнғичим Эргашали 8-синфда ўқийди, ёнимда энг яқин кўмакчим. Касбимни пухта эгаллаб олганлигидан хурсандман.

Бир гапириб ўн куладиган Тиловмуроднинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Чизмалари асосида ясаган уч ғилдиракли велосипедини ҳаракатлантиришини қўяверинг, мотоцикл ҳам унинг жону дили. 2011 йилнинг сентябрида паралимпияда мусобақаларида спортнинг армрестлинг тури бўйича иштирок этиб, барчани ҳайратга солди. Шу йилнинг 4 февралида Ўзбекистон Миллий Паралимпия Ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими томонидан ногиронлар ўртасида ўтказилган мусобақаларда поурлифлинг ҳамда сузиш бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Хушхабарнинг қаноти бор дейишади. Жорий йилнинг феврал ойида Бирлашган Араб Амирлигининг Дубай шаҳрида имконияти чекланганлар ўртасида ўтказилган оғир атлетика бўйича Жаҳон чемпионатида иштирок этиб, бронза медални қўлга киритди.

— Спорт соҳасидаги муваффақиятларим натижаси кўксимдаги тўртта олтин ва битта бронза медалда намоён бўлди, — дейди қувончини яшира олмаган Тиловмурод. — Нимага эришган бўлсам, атрофимдаги яхши одамларнинг борлиги натижасидир.

У истиқомат қилаётган «Оби ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қудрат Қаршиевнинг таъкидлашича, Тиловмурод нафақат маҳалладошларининг, балки шаҳар ва тумандошлари юзини ёруғ қилди.

Президентимиз Фармони билан Нишон туман ҳунармандлар уюшмаси аъзоси Тиловмурод Зойиров 2011 йилда «Жасорат» медали билан тақдирланди. Косиб йигитнинг юксак мукофотга лойиқ топилганлиги барча-барчани қувонтирди.

— Турмуш ўртоғимнинг камтарона меҳнатлари инобатга олиниб, давлат мукофотига сазовор бўлганидан бошимиз осмонга етди, — дейди умр йўлдоши Умидахон Зоирова. — Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдормиз. Қайнотам Мустафоқул бобо, қайнонам Гулбиби аяларнинг қўллари доимо дуода.

Дарҳақиқат, Тиловмуродга ўхшаган мард ва жасур йигитларнинг бахт манзиллари, нафақат ўз гўшаларини, олис-олисларни ҳам ёритиб турибди. Унга ва оила аъзолари, қолаверса, яқинлари учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

Шавкат СУЛТОНОВ.
***Суратда:** «Жасорат» медали соҳиби Тиловмурод Зоиров.*
Муаллиф олган сурат

Матбуот марказида

Атрофимизни ўраб турган борлиқ, яъни табиат том маънода ҳар биримизнинг онамиз экани, унга кўрсатилган меҳр-эътибор ёки тажовуз, албатта, ўзимизга қайтиши ҳаммамизга кундай равшан. Миллий матбуот марказида ўтган «Eko Olam» журнали ва «Eko Olam Press» газетаси бирлашган таҳририятининг «Оламни асраш — одамни асраш» мавзусидаги матбуот анжуманида шу хусусда сўз борди.

ТАБИАТ — ОНАМИЗДИР

Журнал бош муҳаррири Аъзамжон Хўжақулов ҳамда газета бош муҳаррири Азим Суюн таҳририят фаолияти ва мавзунинг долзарблигига қисқача тўхталди.

— Анжумандан мақсад фаолиятимизни ҳамкасбларимиз нигоҳида таҳлил қилиш баробарида, эътибордан четда қолаётган жиҳатлар, бугунги экологик мураккаб вазиятда нималарга ва қай йўсинда аҳамият қаратиш лозимлиги хусусида юракдан суҳбатлашиб олишдир, — деди журнал бош муҳаррири ўринбосари Илҳом Авазов. — Шунингдек, ҳамкасбларни ижодий ҳамкорликка чорлаш ҳам кўзда тутилган.

Дарҳақиқат, «Eko Olam»ни юртимизда рўйхатдан ўтган 1305 та оммавий ахборот воситалари ичида экологик мавзудаги ягона ижтимоий-маърифий, безакли журнал дейиш мумкин. Ўн мингдан зиёд нусхада чоп этилаётган нашрдан шу йилнинг феврал ойидан бошлаб инглиз тилидаги саҳифалар ҳам ўрин олмоқда.

Жорий йилдан ташкил топган «Eko Olam Press» газетаси эса долзарб мавзулардаги материалларга бойлиги билан қисқа фурсат ичида ўз ўқувчиларига эга бўлди.

Тадбирда «Экология: кеча ва бугун», «Топамиз ва тез айтамиз» сингари мавзуга доир янги китоблар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири

Семинар

Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежида «Умумтаълим фанлар» кафедрасининг физика, кимё, биология, география фанларининг «Очиқ эшиклар» ойлиги ўтказилмоқда. Шу муносабат билан «Қуёш энергиясидан фойдаланиш йўллари ва муаммолари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

«ОЧИҚ ЭШИКЛАР» ОЙЛИГИ

Унда Тошкент давлат техника университети кафедра мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор Муҳаммадкабир Баҳодирхонов иштирокида қуёш энергияси, уни қабул қилиш усуллари, энергия олиш мақсадида қуёш батареяларидан фойдаланиш йўллари ҳақида маърузалар тингланди ва бу борада зарурий маълумотлар берилди.

Семинарда Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи жамоаси, физика фанига қизиқувчи 300 нафарга яқин ўқувчи ва талабалар, олимлар ҳамда амалиётчилар иштирок этишди. Тадбир жараёнида қуёш батареяларидан фойдаланиш, уларнинг ижобий ва самарали томонлари, мамлакатимизда ушбу тажрибани амалга ошириш билан боғлиқ масалалар, келгусида қилиниши лозим бўлган чора-тадбирларга атрофлича тўхталиниб, тажрибалар алмашилди.

Малика АҲМЕДОВА,
Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Реклама ва эълонлар

Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан «Ishonch» газетасининг 2013 йил 29 январь№ 12-сонида чоп этилган қуйидаги:

Лот 1.1. Фарғона вилояти Бешариқ тумани Бўстон-1 қишлоғи Яккатут ҚФЙдаги 37 намунавий уй-жойларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш;

Лот 1.3. Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Сой Ёни қишлоғи Хонобод ҚФЙдаги 35 намунавий уй-жойларни ичимлик сув билан таъминлаш;

Лот 2.1. Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Жарқўрғон қишлоғи Ғайрат ҚФЙдаги 25 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш;

3-4 Фарғона вилояти, Фарғона тумани Чекшура ҚФЙ Чекшура Машраб-Бобур ММТС мавзесидаги 92 та намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш;

Ҳамда «Адолат» газетасининг 2013 йил 8 март № 9-сонида чоп этилган

ЛОТ 4.5. Фарғона вилояти Фарғона тумани Лоғон ҚФЙ ММТП массив «Лоғон-Маҳкам-Ҳакимобод» қишлоғидаги 20 намунавий уй-жойларни ичимлик суви билан таъминлаш (Қудуқ бурғалаш) объектларининг қурилиши танлов савдоларидан олинганлигини ва эълон бекор қилинганлигини маълум қиламиз.

Мурожаат учун манзил: Фарғона вилояти, Фарғона ш.,Темирйўлчилар кўчаси, 24-уй. Тел:8(373) 224-18-71. Фарғона вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Хизматлар лицензияланган.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2013 йил 27 майда ўтказиладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат объектларини сотиб олишга таклиф этади.

Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- энг камида иловада келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар:
- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошланғич нархидан 15 фоиздан кам бўлмаган гаров суммаси;
- таклифлар ва керакли ҳужжатлар солинган ва муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдосига 3 соат қолганда тўхтатилади.

Музокаралар 2013 йил 27 май куни соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 233-74-72, 233-22-83.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли оммавий оферта савдоларига чиқарилаётган давлат объектлари рўйхати

№	Объект номи	Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.)	Объект манзили	Балансда сақловчи	ПК/ВМҚ	Объектнинг бошланғич нархи (сўм)	Объектни сотилиш нархи (объектнинг савдога чиқарилган нархидан 5 фоизга арзонлаштирилган бошланғич нархи) (сўм)	Инвестиция мажбурияти (млн.сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	илмий ишлаб чиқариш лаборатория бино ва иншоотлари	6 383,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25-а уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	6 169 416 246,00	5 860 945 433,70	1 850,80	1 йил
2	Бино ва иншоотлар	3 440,00	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дўрмон йўли (Ф.Ходжаев) кўчаси, 25а-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	3 367 093 747,00	3 198 739 059,65	1 010,10	1 йил
3	қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқариш лаборатория корпуси	404,00	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сохибкор кўчаси, 2-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	1 350 892 000,00	1 350 892 000,00	405,20	1 йил
4	Бино ва иншоотлар	13 934,00	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, Ц-массиви, Қатортол кўчаси, 28-уй	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси	25.04.2012 №1743	11 322 596 900,00	10 756 467 055,00	3 396,78	1 йил

Хизматлар лицензияланган.

Анжуман

КУЙЛАШ КЕРАК: ҚАНДАЙ, ҚАНАҚА?

Эстрада жанридаги қўшиқларни кўпчилик, айниқса, ёшлар севиб тинглайди. Лекин айрим ҳаваскорларнинг жаҳон эстрадаси юлдузларига кўр-кўрона тақлид қилиши, бачкана, маъно-мазмунсиз қўшиқлар мухлислар дидини ўтмаслаштираётгани ҳам бор гап.

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, миллий эстрада қўшиқлари фонотекаси ташкил этилди. Ўзбек миллий эстрада қўшиқчилигига тамал тошини қўйган хонандаларимиз қўшиқлари ёш эстрада хонандалари ўртасида тарғиб қилинмоқда. Ёш хонандалар «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови, Мустақиллик ва Наврўз умумхалқ байрамларининг концерт дастурларига жалб этилиб, ижодий имкониятларини тўлиқ намойиш этиши учун барча шарт-шароит яратилаётир.

Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида эстрада йўналиши бўйича таҳсил олаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг махсус мукофоти — стипендияси таъсис этилган.

Эстрада санъати орқали вояга етиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш учун «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорлик доирасида республикамиз бўйлаб «Биз буюк юрт фарзандларимиз!», «Ватан тараққиётига менинг ҳиссам», «Камалак билимдонлари», «Камолотда меҳмон» каби фестивал ва лойиҳалар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, ўтган йили республикамизнинг чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган ёшларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш ҳамда ёшлар орасида миллий эстрада санъатини тарғиб қилиш мақсадида ёш эстрада хонандалари иштирокида ижодий учрашувлар ўтказилди.

Миллий матбуот марказида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан «Ёш авлоднинг маънавий олами ва уни юксалтиришда миллий эстрада санъатининг ўрни» мавзуида ўтказилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гапирилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 94 596-02-00; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: J.Ergashev

Bosishga topshirish vaqti - 02. 20
Topshirildi - 03. 50

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 411 | 20265 nusxada bosildi | 2345